



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil « 30 » апрель

№ ПФ–6217

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ–6159-сон Фармони ҳамда 2020 йил 30 июлдаги “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4795-сон, 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–4821-сон, 2020 йил 15 октябрдаги “Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости ўсулида сабзаёт маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4863-сон, 2021 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4975-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармонида 5-иловада:

қирқ иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қирқ учинчи – эллигинчи хатбошилар тегишинча қирқ иккинчи – қирқ тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича комиссияларнинг янгиланган таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5357-сон Фармонида 4-иловада:

қирқ олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қирқ еттинчи – эллик учинчи хатбошилар тегишинча қирқ олтинчи – эллик иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5708-сон Фармони 1-бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини жорий этиш, илғор тажриба ва фан ютуқларини, замонавий ресурс тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этишни назарда tutувчи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш”;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу

маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари – янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш;

озиқ-овқат саноатининг ривожланишига хусусий ва тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш чораларини кўриш;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасида барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назоратини амалга ошириш”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5742-сон Фармонида 2-иловланинг 63 ва 66-позициялари “Масъул ижрочилар” устунидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК” сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5812-сон Фармонида:

а) 2-иловланинг 21, 28, 30, 35, 58, 63, 72, 81, 92, 93, 101 ва 127-позициялари чиқариб ташлансин;

б) 3-илова:

қуйидаги мазмундаги 17¹, 17² ва 17³-позициялар билан тўлдирилсин:

“	17 ¹	Шаҳрихон тумани	Шаҳрихон агротехнологиялар техникуми	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	900	
	17 ²	Марҳамат тумани	Марҳамат агротехнологиялар техникуми	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1200	
	17 ³	Асака тумани	Асака агротехнологиялар техникуми	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	900	”;

қуйидаги мазмундаги 34¹ ва 34²-позициялар билан тўлдирилсин:

“	34 ¹	Ромитан тумани	Ромитан агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	600	
	34 ²	Ғиждувон тумани	Ғиждувон агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	720	”;

қуйидаги мазмундаги 38¹-позиция билан тўлдирилсин:

“	38 ¹	Ғаллаорол тумани	Ғаллаорол агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	720	”;
---	-----------------	------------------	---------------------------------------	-----------------------------------	---------------------------	-----	----

қуйидаги мазмундаги 59¹-позиция билан тўлдирилсин:

“	59 ¹	Хатирчи тумани	Хатирчи агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	585	”;
---	-----------------	----------------	-------------------------------------	---	---------------------------	-----	----

қуйидаги мазмундаги 74¹-позиция билан тўлдирилсин:

“	74 ¹	Тўрақўрғон тумани	Тўрақўрғон агротехнологиялар техникуми	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1050	”;
---	-----------------	-------------------	--	--	---------------------------	------	----

қуйидаги мазмундаги 88¹-позиция билан тўлдирилсин:

“

88 ¹	Жомбой тумани	Жомбой агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	900
-----------------	---------------	------------------------------------	---	---------------------------	-----

”;

қуйидаги мазмундаги 96¹-позиция билан тўлдирилсин:

“

96 ¹	Сирдарё тумани	Сирдарё агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	720
-----------------	----------------	-------------------------------------	-----------------------------------	---------------------------	-----

”;

қуйидаги мазмундаги 100¹-позиция билан тўлдирилсин:

“

100 ¹	Қизириқ тумани	Қизириқ агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	735
------------------	----------------	-------------------------------------	--	---------------------------	-----

”;

қуйидаги мазмундаги 102¹-позиция билан тўлдирилсин:

“

102 ¹	Қумқўрғон тумани	Қумқўрғон агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	782
------------------	------------------	---------------------------------------	--	---------------------------	-----

”;

қуйидаги мазмундаги 103¹-позиция билан тўлдирилсин:

“

103 ¹	Денов тумани	Денов-Хазорбоғ агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	652
------------------	--------------	--	--	---------------------------	-----

”;

қуйидаги мазмундаги 114¹, 114² ва 114³-позициялар билан тўлдирилсин:

“

114 ¹	Зангиота тумани	Зангиота агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	615
------------------	-----------------	--------------------------------------	-----------------------------------	---------------------------	-----

114 ²	Бўка тумани	Бўка агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	715
114 ³	Янгийўл шаҳри	Янгийўл агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	720

қуйидаги мазмундаги 124¹-позиция билан тўлдирилсин:

124 ¹	Қўқон шаҳри	Қўқон қишлоқ хўжалиги ва технологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	475
------------------	-------------	--	-----------------------------------	--	-----

қуйидаги мазмундаги 135¹-позиция билан тўлдирилсин:

135 ¹	Урганч тумани	Урганч агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	675
------------------	---------------	------------------------------------	---	---------------------------	-----

в) 5-илованинг 59-позицияси чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5853-сон Фармонида 2-илованинг 8-позицияси “Ижро учун масъуллар” устунидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси” сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 62-позицияси “Ижро учун масъуллар” устунидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК” сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари

халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5995-сон Фармонида:

а) 1-илованинг 3-банди учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг” сўзлари “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 42, 45, 46 ва 47-позициялари “Масъул ижрочилар” устунидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК” сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2520-сон қарорида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошисидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК” сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2718-сон қарорига 1-иловада:

ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлими фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3059-сон қарорига 2-иловадаги “Х.Ф. Ботиров – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Самарқанд бўлими раҳбари” сўзлари “лавозим бўйича – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3318-сон қарорида:

а) 1-бандда:

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“кўп тармоқли фермер хўжаликлари, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштирувчиларнинг фаолиятини ривожлантиришга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш ҳамда улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда бевосита иштирок этиш”;

қўйидаги мазмундаги саккизинчи – ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“кооперация асосида ишлайдиган кластерлар ва экспорт қилувчи ташкилотларни маҳсулот етиштирувчиларга бириктириш;

маҳсулот етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув семинарларини ташкил этиш;

хорижий давлатлар фитосанитария талабларидан келиб чиқиб, август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг экспортбоп навларини етиштириш ва экспорт қилиш борасидаги ишларни ташкиллаштириш”;

саккизинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишинча ўн биринчи – ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (Қувасой шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратларининг намунавий тузилмалари тегишлича 3 ва 4-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Раёсати Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппарати тузилмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (Қувасой шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратлари тузилмасига белгиланган бошқарув ходимлари умумий сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин”;

в) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда хотин-қизларга ҳамда ёшларга фермер ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари ажратиш ҳақида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (Қувасой шаҳар) комиссиясига тавсиялар бериш”;


г) 4-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;


д) 1-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



е) 2-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:


**“Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппарати
ТУЗИЛМАСИ***



*) Кенгаш ижро аппарати ходимларининг умумий чекланган сони – 34 нафар”;

ж) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:


**“Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ***



*) Ҳудудий кенгашлар ижро аппарати ходимларининг умумий чекланган сони – 10 нафар”;

з) 4-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Туман (Қувасой шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ*



*) Туман (Қувасой шаҳар) кенгашлари ижро аппарати ходимларининг умумий чекланган сони – 3 нафар”;

и) 5 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3586-сон қарорида:

а) 9-бандда “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-илованинг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги “Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хомашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3617-сон қарорида:

а) 10-банддаги “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 19-банддан “ҳамда “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси раиси Т.А. Жалилов” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3680-сон қарорида:

а) 9-банднинг “б” кичик бандида:

иккинчи ва учинчи хатбошилар “Агробанк” АТБ” сўзларидан кейин “Туронбанк” АТБ” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни белгиланган тартибда молиялаштиришга”;

тўққизинчи – ўн учинчи хатбошилар тегишинча ўнинчи – ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 10-банднинг биринчи хатбошисидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 13-банднинг учинчи хатбошисидаги “давлат рўйхатидан ўтган” сўзлари “давлат рўйхатидан ўтиб, Кенгаш томонидан юритиладиган “Томорқа хизмати” МЧЖлар реестрига киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 15-банд “а” кичик бандининг бешинчи хатбошиси “, қишлоқ хўжалиги кооперативларига хотин-қизлар аъзо бўлиб кирганда, уларнинг улуши сифатида субсидиялар – базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача” сўзлари билан тўлдирилсин;

д) илованинг 5 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3702-сон қарорига 6-илованинг “1. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” бўлими “1.1. Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича” боби 12-позициясидаги “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3703-сон қарорига 6-иловада:

а) “Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича” бўлимида:

10-позициянинг 2-бандидаги “уюшмаси ва “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясининг” сўзлари “уюшмасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-позициянинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) “Магистратура мутахассисликлари” бўлимининг 11-позицияси 1-бандидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясининг гўшт, сут, балиқ ва асални қайта ишлайдиган корхоналарни (Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари)” сўзлари чиқариб ташлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли кадрлар

тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3704-сон қарорида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони 5-иловага ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

в) 5-иловада:

номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони*”;

“Бакалавриат таълим йўналишлари” бўлимида:

“Талабалар сони” устунидаги “1850” рақами “1820” рақами билан алмаштирилсин;

“Тошкент давлат аграр университети бўйича” бобида:

“Талабалар сони” устунидаги “750” рақами “740” рақами билан алмаштирилсин;

8-позиция чиқариб ташлансин;

“Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали бўйича” бобида:

номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти бўйича”;

“Талабалар сони” устунидаги “500” рақами “490” рақами билан алмаштирилсин;

7-позиция чиқариб ташлансин;

“Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали бўйича” бобида:

“Талабалар сони” устунидаги “300” рақами “295” рақами билан алмаштирилсин;

7-позиция чиқариб ташлансин;

“Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали бўйича” бобида:

“Талабалар сони” устунидаги “300” рақами “295” рақами билан алмаштирилсин;

6-позиция чиқариб ташлансин;

“Магистратура мутахассисликлари” бўлимида:

“Талабалар сони” устунида “121” рақами “115” рақами билан алмаштирилсин;

“Тошкент давлат аграр университети” бобида:

“Талабалар сони” устунида “87” рақами “81” рақами билан алмаштирилсин;

6-позиция чиқариб ташлансин;

“Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали” бобида бобнинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти”;

“Ҳаммаси” позициясининг “Талабалар сони” устунида “1971” рақами “1935” рақами билан алмаштирилсин;

г) 6-иловада:

“I. Тошкент давлат аграр университети” бўлимида:

“1.1.Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича” бобида:

5-позициянинг “Ишлаб чиқариш амалиёти/илмий амалиёт (стажировка) объекти” устуни 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

15-позициянинг “Ишлаб чиқариш амалиёти/илмий амалиёт (стажировка) объекти” устуни 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

19-позициянинг “Ишлаб чиқариш амалиёти/илмий амалиёт (стажировка) объекти” устуни 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

“1.2. Магистратура мутахассисликлари бўйича” бобида:

16-позициянинг “Ишлаб чиқариш амалиёти/илмий амалиёт (стажировка) объекти” устуни 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

“IV. Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали” бўлимининг “4.1. Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича” боби 12-позицияси “Ишлаб чиқариш амалиёти/илмий амалиёт (стажировка) объекти” устуни 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–4292-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда билим тарқатувчи мутахассис ва тренерларни тайёрлаш учун Тошкент давлат аграр университети ҳамда унинг филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузурида ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини таъминласин”.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4406-сон қарорида:

а) 5-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Белгилансинки, мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида барпо қилинадиган йирик агрологистика комплекслари қурилиши учун ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 6-банднинг “в” кичик банди биринчи хатбошисидаги “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 1, 2, 15, 21 ва 23-позициялари “Ижро учун масъуллар” устунидан “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК (Т. Жалилов)” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 4-илованинг 25, 27, 28, 30, 31, 35, 56, 63, 70, 71, 81, 103, 105, 106, 122, 123, 124, 134, 148 ва 153-позициялари “Ижро учун масъул” устунидан “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК (Т. Жалилов)” сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 5-илованинг 9-позицияси “Ижро учун масъуллар” устунидан “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК (Т. Жалилов)” сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 9-иловада:

14-позиция “Амалга ошириш учун масъуллар” устунидан “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК (Т. Жалилов)” сўзлари чиқариб ташлансин;

17 ва 22-позициялар “Амалга ошириш учун масъуллар” устунидан “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК (А. Салимов)” сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 10-илованинг 14-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4421-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент давлат аграр университети, унинг филиаллари ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети, унинг филиаллари ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтидаги таълим йўналишлари, мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) 2-илованинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент давлат аграр университети, унинг филиаллари ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати”;

в) 3-иловининг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент давлат аграр университети, унинг филиаллари ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтидаги таълим йўналишлари, мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати”;

г) 4-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ш.М. Ғаниев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Кенгаш раиси”;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Лавозим бўйича Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори ўринбосари”;

26-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Лавозим бўйича Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори”.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ–4575-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 9-бандининг “Масъул ижрочилар” устунидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” компанияси” сўзлари чиқариб ташлансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4610-сон қарорининг 16-банди

тўртинчи хатбошисидаги “Ўзбекизоқовқатхолдинг” компанияси бошқаруви раиси Т.А. Жалилов” сўзлари “қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4805-сон қарорида:

а) 1-иловининг “Андижон вилояти” бўлими “Олий таълим муассасалари кафедралари” устундаги “Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси” сўзлари “Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловининг 36 ва 45-позициялари “Кимё ва биология йўналишларига ихтисослашган олий таълим муассасалари кафедралари” устундаги “Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси” сўзлари “Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси” сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 октябрдаги “Ички истеъмол бозорининг тўла-тўқислигини ҳамда нархлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4858-сон қарори 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағлари учун 50 млн АҚШ доллари эквивалентидаги миллий валютадаги маблағларни мазкур қарорга иловада келтирилган тижорат банкларига, шундан 10 млн АҚШ доллари эквивалентидаги миллий валютадаги маблағларни хориждан мойли экин уруғлиги харид қилиш учун “Агробанк” АТБга уларнинг сўровномаларига мувофиқ 2021 йил 1 майга қадар қайтариш шarti билан фоизсиз депозитга жойлаштирсин. Бунда хориждан мойли экин уруғлиги харид қилиш учун “Агробанк” АТБга ажратиладиган 10 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 2021 йил 1 октябрга қадар бўлган муддатга фоизсиз депозитга жойлаштирилади.

Белгилансинки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг мазкур бандда назарда тутилган депозит маблағлари (мойли экин уруғлиги харид

қилиш учун “Агробанк” АТБга ажратилаётган маблағ бундан мустасно) ҳисобидан тижорат банклари томонидан мақсадли равишда тадбиркорлик субъектларига ликвидли гаров таъминоти асосида ўсимлик ёғи, картошка, мол гўшти ҳамда парранда гўшти хариди учун йиллик 4 фоизлик ставкада 2021 йилнинг 1 майига қадар қайтариш шarti билан кредит ажратилади.

“Агробанк” АТБга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан депозитга жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан “Ўздонмахсулот” АК корхоналарига хориждан мойли экин уруғи харид қилиш учун йиллик 4 фоизлик ставкада 2021 йилнинг 1 октябрига қадар қайтариш шarti билан кредит ажратиш тавсия этилсин.

Бунда депозит маблағлари Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар тўлиқ сўндирилгандан сўнг қайтарилади”.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари томонидан Қозоғистон Республикасида ташкил этилган савдо ўйлари орқали товарлар экспортини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Ф–4956-сон фармойиши 2-бандидан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК” сўзлари чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ–5111-сон Фармони 1-илованинг 15-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ–5158-сон Фармони 1-илованинг 30-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5313-сон Фармони 1-илованинг 22-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ–5968-сон Фармони 1-илованинг 8-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ–6031-сон Фармони 1-илованинг 15-банди “а” кичик банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 апрелдаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган “Ўзагроэкспорт” ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2515-сон қарори 11-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ–2731-сон қарорига 2-илованинг 14-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги “Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3067-сон қарорига 1-иловининг 47-позицияси ҳамда 2-иловининг “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК” бўлими.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4422-сон қарорига 4-иловининг 15-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги “2020–2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ–4667-сон қарорига 2-иловининг 23-банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 апрелдаги “Сурхондарё вилоятида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4681-сон қарорига илованинг 13-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4779-сон қарорига 1-иловининг 18-банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4975-сон қарорига 5-иловининг 3-банди.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil « 30 » апреля

№ УП–6217

О внесении изменений и дополнений, а также признании утратившими силу некоторых актов Президента Республики Узбекистан

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2021 года № УП–6159 «О дальнейшем совершенствовании системы знаний и инноваций, а также оказания современных услуг в сельском хозяйстве», а также постановлениями Президента Республики Узбекистан от 30 июля 2020 года № ПП–4795 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы аграрного образования», от 9 сентября 2020 года № ПП–4821 «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», от 15 октября 2020 года № ПП–4863 «О мерах по увеличению производства и экспорта чеснока и овощной продукции методом «туксонбости», от 3 февраля 2021 года № ПП–4975 «Об организации деятельности Национального центра знаний и инноваций в сельском хозяйстве при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан»:

1. Внести изменения и дополнения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан согласно приложению № 1.
2. Признать утратившими силу некоторые акты Президента Республики Узбекистан согласно приложению № 2.
3. Контроль за исполнением настоящего Указа возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Ганиева Ш.М.

**Президент
Республики Узбекистан**

город Ташкент



Ш. Мирзиёев

**Изменения и дополнения, вносимые в некоторые
акты Президента Республики Узбекистан**

